

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АТАКУЛОВА ДИЛҒУЗА ТУРСУНОВНА

**НОАНЪАНАВИЙ ХОМ АШЁ – ТОК БАРГИДАН ФОЙДАЛАНИБ
КОНСЕРВАЛАНГАН ИККИНЧИ ТАОМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctorof Philosophy (PhD)

Атакулова Дилфуза Турсуновна

Ноанъанавий хом ашё – ток баргидан фойдаланиб консерваланган иккинчи таомлар ишлаб чиқариш технологиясини тадқиқ қилиш 3

Атакулова Дилфуза Турсуновна

Исследование технологии производства консервированных вторых блюд с использованием нетрадиционного сырья -листьев винограда 21

Atakulova Dilfuza Tursunovna

Research of thee technology of production of canned food second courses using non - traditional raw materials leaves grapes 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АТАКУЛОВА ДИЛФУЗА ТУРСУНОВНА

**НОАНЪАНАВИЙ ХОМ АШЁ – ТОК БАРГИДАН ФОЙДАЛАНИБ
КОНСЕРВАЛАНГАН ИККИНЧИ ТАОМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4.PhD/T880. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.pmi.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:

Додаев Қўчқор Озрилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исабаев Исмоил Бабаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Ализов Ақтам Шарипович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот:


Фарғона политехника институти


Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.T.04.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 12 соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tcti_info@edu.uz.) Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали


Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (120 рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 11 кунги тарқатилади.
(2021 йил «24» 11 даги № 128 рақамли реестр баённомаси).




С.М. Туробонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Х.И. Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., доцент


Х.С. Нурмухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги аҳолини сарҳил, қайта ишланган ўсимлик маҳсулотлари билан таъминлашнинг асосий тармоғи бўлиб, хомашёларни йиғиш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш, технологияларини такомиллаштириш маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича эҳтиёж янада ортади. Шу билан бирга сифатли, юқори калория ва бой таркибга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириб, халқаро сифат стандартлари асосида ҳажмлари оширилган, органолептик кўрсаткичлари яхшиланган консервалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда озиқ-овқат саноатида углеводлар, оксиллар, минераллар, витаминлар органик кислоталар, полифенолларга бой хом ашёларини қайта ишлаш ва улардан сифатли тайёр консервалар ишлаб чиқариш ва бошқа турдош тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар асосида саноат корхоналари тармоқларида табиий хом ашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш, янги, турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тайёр маҳсулот таннархини камайтириш, ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқавий, биологик ва энергетик қимматини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда мева - сабзавотларни, ўсимлик хом ашёларини сақлаш ва қайта ишлаш, саломатлик учун хавфсиз, импорт ўрнини босувчи янги турдаги озиқавий маҳсулотларни зарур миқдорда ва ассортиментда ишлаб чиқарилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада хомашё манбаларини миқдор ва самарадорлигини баҳолаб, мавжуд рецептура ва технологияларга янгилик киритиш, ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, юқори сифатли маҳсулот олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг табиий хоссаларини сақлаб қолиш, тайёр маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ҳамда иккиламчи хом ашёлардан ҳам самарали фойдаланишни ривожлантириш, ва ноанъанавий хом ашёни қўллаш эвазига озиқ-овқат корхоналарини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, жумладан мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, уларнинг истеъмол меъёрларини талаб даражасига етказиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ҳамда турли ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»- ги, ҳамда, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республикада озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ва аҳолини сифатли озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари ва қарорлари, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Консерваланган иккинчи овқатлар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг углевод, витамин, минерал ва органик кислотадан иборат таркибидан функционал мақсадда фойдаланиш бўйича E.R.Rarillag, J.Shulze, E.Anter, A.C. Amadi Joy, M.I.Беляев, B.C. Баранов, Г.М. Постнова, А.И.Черевко, P.П.Уистлер, Н.Р.Успенская, Л.В. Бабиченко, Э.Ф. Пашел, Г.С.Климов, Д.И.Лобанов, Н.И.Ковалев, С.Ю.Глебова, Ж.М.Курбанов, Б.Д.Махмадаминов, А.Ж.Тошев, Ш.Н.Атаханов, Н.Ш.Кулиев, Қ.О.Додаев каби етакчи олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Улар томонидан мева-сабзавот ва ўсимлик хом ашёларидан фойдаланиб, консерваланган иккинчи овқатлар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган, хом ашёларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркиби ва миқдори аниқланиб, озиқавий қиммати ва сифати тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга иккинчи овқат консервалари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва жорий этишда хом ашёни биологик ва озиқавий қимматини тўла сақлаб, нисбатан енгил иссиқлик ишлови бериш, улардан маҳсулотлар ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш ҳамда хавфсизлигини ошириш, консерва саноати ва умумий овқатланиш корхоналари учун яримфабрикатлар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулот тайёрлаш жараёнини осонлаштиришга эришилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОТ-А12-20 «Ўсимлик хом ашёсини қайта ишлашдаги чиқитлардан биологик фаол қўшимчаларни комплекс олиш технологиясини такомиллаштириш» (2017-2018 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ноанъанавий хомашё ток баргидан фойдаланиб, консерваланган иккинчи таомлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасидаги узум барги кимёвий таркибини ўрганиш ва таснифини шакллантириш;

узумнинг қизил хурмони ва қора мускат нави барглари таркибидаги углеводлар, оксиллар, ёғлар ва минераллар миқдорини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

узумнинг қизил хурмони ва қора мускат нави барглари витаминлар, органик кислоталар ва полифеноллар таркибини ўрганиш ва таҳлил қилиш,

инсоннинг иштаҳаси, миқдор ва турларининг ички органларга таъсирини таҳлил қилиш;

узум барги қўлланилган консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик линиясининг принципиал схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида узум барги, ингредиентлар мажмуаси ва тайёрланган консерва маҳсулотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети консерваланган дўлма тайёрлаш рецептида унинг кимёвий таркибини шакллантириш, иссиқлик ишлови бериш жараёни, тайёр маҳсулот хоссалари, хавфсизлиги, ишлаб чиқаришни шакллантириш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда органолептик кўрсаткичларини баҳолаш Е.Д. Тильгнернинг модификацияланган, умумий углеводлар миқдорини аниқлаш Дюбуа, оқсил миқдорини аниқлаш Лоури, қуритилган ток баргларидаги умумий липидлар миқдорини аниқлаш хлороформнинг метанол аралашмаси билан Фолча, минераллар миқдори масс-спектрометрик (ICP-MS) таҳлил натижалари бўйича, полифеноллар, органик кмслоталар, С, В гуруҳ ва бошқа витаминлар миқдорини аниқлаш тескари фазали юқори самарали суюқлик хроматографияси (ВЭЖХ) усули билан аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

узумни қора мускат ва қизил хурмони нави баргларида углеводлар комплекси 7-8,1, клетчатка 17-15, оқсил миқдори 6-5,7, умумий ёғлар миқдори 3,7-3,2 мг/% тадқиқ этилиб, ток баргларининг бой кимёвий таркиби озикавий қимматини белгилаши аниқланган;

ток баргида витаминлар миқдори В1 - 5,83, В2 - 29,54, В6 - 1,78, В12 - 3,5, С - 49,42 мг%, микро- ва макроэлементлар К, Са, Mg, Na, P, Fe, Mn, Cu, Zn миқдори тадқиқ этилиб, ток барглари биологик фаол моддаларга бойлиги исботланган;

қора мускат ва қизил хурмони нави узум баргларидаги полифенолларнинг миқдори 5,98-9,8 мг%, узум, лимон, оксалат, қаҳрабо кислоталарининг умумий миқдори танланган қора мускат навининг баргларида 5,18 мг%, қизил хурмони навида эса 11,81 мг% бўлиши аниқланган;

суякни қайнатиб тайёрланган бульон асосида дўлмаларнинг консерваланиши, бунда суяк таркибидаги ёғлар, оксиллар, минерал моддаларнинг бульонга ўтиб, унинг озикавий, энергетик ва биологик қимматини оширувчи технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узум барги қўлланилган консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш линиясининг принципиал схемаси тақдим этилган;

Ўзбекистон Республикасидаги қора мускат ва қизил хурмони узум навлари баргининг кимёвий миқдори ва таснифи шакллантирилган;

узум баргларида иккинчи овқат консерваларида ишлатилган қизил хурмони ва қора мускат навларининг хавфсизлик мезонлари сифатида қабул қилинган параметрлари ПДК-дан кам эканлиги аниқланган;

узум баргидан консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини консерва корхоналарида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги экспериментлар таҳлилида замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари, регрессион тенгламаларнинг аниқлиги ва уларни ҳақиқий жараёни адекват тарзда ифодалаганлиги, ток барги қўлланилган консерва маҳсулотлари тайёрлаш технологияларини амалиётга жорий этиш бўйича инновацион ишланмалар рўйхатига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти узум барги дўлмаларининг суякли бульонда консерваланиши, бунда суяк таркибидаги ёғлар, оксиллар, минерал моддалар бульонга ўтиб унинг озикавий, энергетик ва биологик қимматини ошириш жараёнларининг илмий асосининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти узум баргининг органолептик ва физик-кимёвий хоссалари, ҳамда озикавий хавфсизлиги текширилганлиги, истеъмолга тайёр ток барги консерваларини озиқ-овқат саноати тармоғида фойдаланиш учун тавсия этилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: узум баргидан консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

узум баргидан консерваланган иккинчи овқат - дўлма ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг «2021- 2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг 2021 йилнинг 11 июндаги 11-96/06-21-сон маълумотномаси). Натижада, микро- ва макроэлементлари сақланган суякли бульон асосида дўлмаларнинг консерваланиши имконини берган;

иккинчи овқат консервалари тайёрлаш технологияси Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг «2021-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг 2021 йилнинг 11 июндаги 11-96/06-21-сон маълумотномаси). Натижада, биологик фаол моддаларга бой, полифеноллар миқдори 5,98-9,8 мг/%, органик кислоталар миқдори 5,18-11,81 мг/% бўлган суякли бульон асосида дўлмаларни консервалаш имконини берган;

ноанъанавий хомашё ток барги дўлмаси ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг «2021- 2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг 2021 йилнинг 11 июндаги 11-96/06-21-сон маълумотномаси). Натижада, суякли бульон таркибидаги ёғлар, оксиллар, минерал моддалар бульонга ўтиб унинг озикавий, энергетик ва биологик қимматини ошириши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, шу жумладан, 6-та халқаро ва 6-та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган

илмий нашрларида 3 та мақола, жумладан 1 та республика ва 2та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт шарҳи. Узум баргларида фойдаланиб, консерваланган иккинчи таомлар ва уларнинг технологиялари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон республикаси ва жаҳонда узумчиликнинг ривожланиш истиқболлари, узум навлари, узум баргининг параметрлари, таснифи, узум баргларининг хусусиятлари, кимёвий таркиби, консервалар, уларнинг турлари ва озиқ-овқат саноатидаги ўрни, аҳамияти, бажарадиган вазифалари, органолептик хусусиятлари, озиқавий киммати ҳамда бу кўрсаткичларга таъсир этувчи хом ашё хоссалари ва технологик омиллар таҳлил қилинган. Консерваланган иккинчи таомларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёларнинг таркиби ўрганилди. Консерваланган иккинчи таомларнинг таснифи, голубциларнинг барча турларини ишлаб чиқариш технологияси, қурилмаларни танлаш ҳолати келтирилган.

Юқорида ўрганилган маълумотлар асосида тадқиқот мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш методикаси. Реактив ва приборлар. Узум баргининг кимёвий таркиби, физик-кимёвий хусусиятлари. Тадқиқот натижалари**», деб номланган иккинчи бобида тажрибалар давомида ишлатилган материаллар ва уларга қўйиладиган стандарт талаблар, тадқиқот объектлари ҳамда тадқиқот жараёни давомида қўлланилган услублар таҳлил қилинган.

Қурилган ток барглари таркибидаги углеводлар комплекси ва клетчатка миқдори амалдаги усул бўйича аниқланган, унинг натижалари 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Танланган ток барги навларидаги углевод комплекси ва клетчатка миқдори

Хом ашё	Спиртда эрувчи қандлар	Углевод комплекс, мг/%			Целлюлоза (клетчатка), мг/%
		СЭПС	ПМ	ГМЦ	
Қора мускат	Глюкоза, фруктоза, сахароза	2,5	3,0	1,5	17
Кизил хурмони	Глюкоза, фруктоза, сахароза	2,1	4,2	2,0	15

Узум барги ва қийманинг органолептик кўрсаткичлари ГОСТ Р-53972-2010 бўйича 2019 йилги мавсумида акад. М.Мирзаев номидаги ИТИ тажриба синов майдончасидан барг намуналари олиб тадқиқ этилган.

Оқсил миқдори қуритилган ток баргларида стандарт усул билан аниқланган, натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Қуритилган узум баргларидаги умумий липидлар хлороформнинг метанол аралашмаси билан (2:1 v/v) Фолча усулида экстракция йўли билан ажратиб олинди.

Умумий липидлар таркиби №1-қора мускат ва №2-кизил хурмони навларининг қуритилган барглари учун аниқланди. Натижалар шуни кўрсатадики, №1-қора мускат навида умумий ёғлар миқдори 3,7% ва №2 – кизил хурмони навида – 3,2 % ни ташкил этди.

2-жадвал

Умумий оқсилларни аниқлаш натижалари

Намуна	Тортма, г	Аликвот	400 нм	Оқсил, %	Ўртача қиймат, %	Азот, %
Кизил хурмони						
1-тажриба	0,4883	0,2	0,245	5,7	5,75	2,91
2-тажриба	0,4254	0,2	0,200	5,8		
Қора мускат						
1-тажриба	0,4707	0,2	0,277	6,1	6,0	3,37
2-тажриба	0,4553	0,2	0,272	5,9		

Умумий липидлар силикагел колоннали хроматограф ёрдамида алоҳида гуруҳларга ажратилган. Бундай ҳолда нейтрал липидлар хлороформ билан элюирация қилинган. Бизнинг тажрибаларимизда уларнинг таркиби мос равишда қуйидагича эди: №1: 1,2, 1,3 6 ва 0,64%; №2: 1,8, 1,55, 0,35%.

Нейтрал липидларнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: углеводородлар, триацилглицеридлар, стероллар. Аналитик ТСХ маълумотларга кўра α -токоферол нейтрал липидлар таркибида топилган. Гликолипидлар таркибида қуйидаги синфлар аниқланди: стерил гликозитлар ва уларнинг эфирлари, дилактозилглицеридлар ва моногалактозил диацилглицеридлар.

Фосфолипид гуруҳларнинг асосий компоненти – фосфатидилхолинлар, бундан ташқари фосфадилэтанол аминлар, фосфадил инозитлар ва фосфадитли кислоталар аниқланган.

ТСХ нейтрал липидлар қуйидаги эритувчи тизимларда ўтказилган: гексан - диэтил эфир 1) 4:1; 2) 3:2 гликолипидлар учун эритувчи тизим ишлатилган: хлороформ-ацетон-метанол-сирка кислота - сув 65:20:10:10:3 ва фосфолипидлар учун эса хлороформ-метанол-аммиак 13:5:1 ва хлороформ – метанол - сирка кислота - сув 14:5:1:1.

Нейтрал липидлар J_2 буғлари ва H_2SO_4 нинг 50% сувли эритмси билан намоён бўлади; гликолипидлар- α -нафтол билан H_2SO_4 нинг 50 %-ли сувли эритмаси билан (кетма-кет пуркаш); фосфолипидлар-Васьковский ва Драгендорфф реагентлари билан токофероллар - α , α' - дипиридил эритмаси билан намоён бўлди.

Ёғ кислоталарининг таркибини аниқлаш учун ҳар бир липид гуруҳи намунадаги КОН нинг 10% метанол эритмаси билан гидролизланади: эритма нисбати 1 : 10, сув ҳаммомида 1 соат давомида қайнатиш. Олинган совунлар H_2SO_4 нинг 50% сувли эритмаси билан парчаланади.

Ёғ кислоталари диэтил эфир билан уч марта экстракцияланади. Кейин эфир экстрактлари дистилланган сув билан нейтрал муҳитгача дистилланган сув билан ювилади. Ёғ кислоталари диазометен билан метилланади.

Олинган метил эфирлари гексан тизимидаги ингичка силикагел қатлами билан тозаланган: диэтил эфири 4:1 эритувчилар МЭ зонаси J₂ буғларида ишлаб-чиқилган ва метил эфирлари хлороформ билан силикагелдан тозаланган.

Хлороформ олиб ташлагандан сўнг МЭ лар гександа эритилиб, 150 дан юқори ҳароратларда ётқизилган НР - 5 фазаси билан ички диаметри 0,32 мм бўлган 30 м узунликдаги капилляр устун ёрдамида *Agilent Technologies 6890 N* асбобида олов ионланиш детектори билан таҳлил қилинди. 270⁰С гача ташувчи газ гелийдир. Ёғ кислоталарининг таркиби ва мазмуни 3-жадвалда келтирилган.

Узум баргларининг минерал миқдори масс-спектрометриқ таҳлил усули билан тадқиқ қилинган.

3-жадвал

Нейтрал (НЛ), глико (ГЛ) ва фосфо (ФЛ) ёғ кислоталари таркиби, ГЖХ оғирлиги бўйича %

Ёғ кислоталари	НЛ		ГЛ		ФЛ	
	№1	№2	№1	№2	№1	№2
Каприн 10:0	0,30	0,25	0,14	0,26	-	0,16
Лаурин 12:0	1,58	1,64	0,37	1,03	0,71	0,60
Миристин 14:0	1,47	1,87	0,93	1,50	0,76	1,02
Пентадекан 15:0	-	0,29	0,25	0,28	-	0,25
Пальмитин 16:0	32,83	32,62	43,80	43,82	56,72	61,56
Пальмитолеин 16:1	1,22	1,13	0,45	0,51	4,58	7,17
Маргарин 17:0	Сл.	0,31	0,29	0,35	0,37	0,46
Стеарин 18:0	5,27	5,20	5,27	5,69	7,25	7,95
Олеин+линолен 18:1+18:3	29,48	28,46	32,50	29,67	12,87	9,19
Линолен 18:2	14,24	13,78	9,98	8,41	11,43	6,67
Арахин 20:0	1,53	2,17	1,04	1,41	1,24	1,33
Эйкозен 20:1	0,48	-	0,43	0,44	-	-
Беген 22:0	3,62	4,07	1,91	2,54	2,80	2,70
Лигноцерин 24:0	5,33	5,67	1,89	2,92	1,27	0,94
Гексакозан 26:0	2,65	2,54	0,75	1,17	-	-
Тўйинган ёғ кислотанинг суммаси	54,58	56,63	56,64	60,97	71,12	76,97
Тўйинмаган ёғ кислотанинг суммаси	45,42	43,37	43,36	39,03	28,88	23,03

Сувли эритмалардаги элементлар 5 дан 240 гача атом оғирлигидаги сканерлаш процедураси ёрдамида аниқланган. Таҳлил қилинган намуналар асосий (Na₂O, MgO, Al₂O₃, K₂O, CaO, TiO₂, MnO, Fe₂O₃) элементлари таркибига ва натижада олинган элементларнинг даражаларига қараб 4-15 намунадан иборат партиялар билан ўлчанади. Индуктив боғланган плазма (ICP-AES) билан атомик эмиссия усули натижасида ёки бошқа усуллар билан олинган.

Оммавий спектрларни қайта ишлаш ва таҳлил қилинган эритмалардаги элементларнинг таркибини ҳисоблаш уч босқичда масс-спектрометр ва электрон жадваллар дастуридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Биринчи босқичда масс-спектрометрнинг дастурий таъминоти доирасида изотоплар бўйича элементлар таркибининг оралиқ қийматлари ҳисоблаб чиқилган. Иккинчи босқичда юзага келиши мумкин бўлган полиатомик шовқинлар текширилган ва керак бўлганда ҳисобга олинди. Учинчи босқичда Microsoft Excel дастури доирасида калибрлаш ечимларини ўлчаш натижалари ва аниқлаш чегарасининг қийматини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинган эритмалар таркибидаги элементларнинг таркиби ҳисоблаб чиқилган.

Элемент концентрациясининг оралик қийматларини ҳисоблаш куйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳар бир ўлчанган масса спектрида масса сони шкаласининг калибрланишини текшириш ва агар керак бўлса, қайта калибрлаш ва шунга мос равишда тепалик зоналарини қайта ҳисоблаш;

- ички стандарт интенсивлиги ва масс спектрометрининг иккита энг яқин сезгирлик эгри чизиқлари асосида барча ўлчанган эритмаларда (таҳлил қилинган намуналар, калибрлаш эритмалари, деионизация қилинган сув) ишлатиладиган изотоплар учун элементлар концентрациясининг оралик қийматларини ҳисоблаш. Ҳисоблаш процедураси *Plasma Quad* қўлланмасига мувофиқ амалга оширилган.

Қидирув-ҳисоблаш натижалари автоматик равишда txt-файлида ёзилади. Ёзиб олиш формати олинган маълумотларни *Microsoft Excel*-га экспорт қилишга имкон берди.

Ҳар бир таҳлил қилинган намуна учун полиатомик шовқинлардан ҳалақит борлиги текшируви ўтказилган, аниқланган элементларнинг ICP-MS аниқлашига ҳалақит берадиган асосий кўп атомли ионлар берилган.

4-жадвал

Масс-спектрик (ICP-MS) таҳлил натижалари, (мг/%)

№	Номланиши	Li	Be	B	Na ⁺	Mg ⁺	Al ⁺	P	K ⁺	Ca ⁺	Sc	Ti ⁺	V	Cr	Mn	Fe ⁺	Co
1	Кизил хурмони	0,0056	0,00012	0,00490	0,18	0,240	0,0300	0,27	0,38	3,52	0,0036	0,0140	0,000780	0,0050	0,0940	0,0170	0,00100
2	Қора мускат	0,00780	0,00007	0,00310	0,23	0,340	0,0230	0,42	0,65	3,56	0,0045	0,0220	0,00950	0,0210	0,210	0,0240	0,00096

5-жадвал

№	Номланиши	Ni	Cu	Zn	Ga	As	Se	Rb	Sr	Y	Zr	Nb	Mo	Ag	Cd	In
1	Кизил хурмони	0,0650	0,014	0,024	0,00049	0,0200	0,00370	0,0420	0,00170	0,0042	0,00130	0,0019	0,00320	0,000033	0,00005	0,00048
2	Қора мускат	0,0840	0,014	0,053	0,00057	0,00290	0,00510	0,00520	0,00410	0,0056	0,00150	0,0029	0,00630	0,00037	0,00010	0,00083

6-жадвал

№	Номланиши	Sn	Sb	Te	Cs	Ba	La	Ce	Pr	Nd	Sm	Eu	Gd	Tb	Dy	Ho
1	Кизил хурмони	0,00032	0,00061	0,054	0,0050	0,00580	0,00064	0,00140	0,00013	0,00055	0,0091	0,0019	0,0010	0,0014	0,0069	0,0014
2	Қора мускат	0,00079	0,00049	0,0220	0,0058	0,00110	0,00089	0,00520	0,00019	0,0077	0,0016	0,0004	0,0012	0,0017	0,00011	0,0016

7-жадвал

№	Номланиши	Er	Tm	Yb	Lu	Hf	Ta	W ⁺	Re	Pt ⁺	Au ⁺	Tl	Pb	Bi	Th	U
1	Кизил хурмони	0,00046	≤0,001	0,0027	<0,001	0,0032	0,0014	0,0064	<0,001	<0,0001	0,00047	0,0001	0,0180	0,0067	0,027	0,0022
2	Қора мускат	0,0006	≤0,001	0,0047	0,058	0,0004	0,0026	0,0012	<0,001	<0,0001	0,00027	0,0014	0,0240	0,0076	0,024	0,0029

Таҳлил қилинган намуналар таркибидаги элементларнинг таркибини ҳисоблаш, аниқлаш чегараларининг (ПО) қийматини ҳисобга олган ҳолда куйидагиларни ўз ичига олади.

- оралик ҳисоблаш натижаларини *Microsoft Excel*-га экспорт қилиш;

- калибрлаш эритмаларини ўлчаш натижалари бўйича таҳлил қилинган намуналар ва деионизация қилинган сув таркибидаги элементларнинг ҳақиқий

қийматларини ҳисоблаш;

- қуйидаги формула бўйича аниқлаш чегараларини (ПО) ҳисоблаш:

$$ПО = C_i + 3 \cdot S$$

бунда: C_i - назорат намуналарининг эритмаларини ўлчашдаги i изотопи таркибининг ўртача қиймати; S - назорат намуналарининг эритмаларини ўлчашда i изотоп учун стандарт оғиш.

Сувда эрувчан витаминлар: тиамин (V_1), рибофлавин (V_2), пиридоксин (V_6) ва цианокобаламин (V_{12}), тескари фаза юқори суюқ хроматография билан аниқланган.

V_1 , V_2 ва V_6 витаминлари таркиби спектрофотометрик детектор билан тескари фазали юқори самарали хроматография ёрдамида аниқланган. Усул сувда эрийдиган витаминлар гуруҳини қаттиқ C_{18} ташувчисида пайванд қилинган, тозалиги юқори бўлган силикагел асосида ва қўшимча қисқа занжирли кутб гуруҳларини (изопропил) тескари фазали механизм билан ажратишга асосланган.

Ажратилган витаминларни ушлаб туриш вақти билан таққослаб, спектрнинг ультрабинафша минтақасида идентификацияси ва миқдорий ҳисоблашларни ёриғликни ютилишини индивидуал максимал даражасида амалга оширилади.

Узунлиги 250 мм ва ички диаметри 4,6 мм бўлган юқори самарали суюқлик хроматографияси ВЭЖХ учун устунли хроматография тескари фаза билан тўлдирилган – заррача катталиги 1,8 -5,0 мкм бўлган октадесил силикагел, C_{18} , учларида пайвандланган гидрофилли гуруҳларини ўз ичига олади ва ажратишда витаминларнинг алоқаси самарадорлигини таъминлайди

Узум баргларидаги витаминлар, органик кислоталар, полифеноллар таркибини тадқиқ қилиш учун акад. М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик” институти селекциясидан олинган қора мускат ва қизил хурмони навида аниқланган. Тадқиқот учун навларни танлаш мезонлари октябрь ойида ушбу навларнинг барглари рангидаги ўзгаришдаги фарқлар эди. Қора мускат навининг барглари кузда яшил рангини, қизил хурмони навли барглари қизғиш-сиёҳрангга айланди. Барглар 2019 йилда июнь ойининг охирида (максимал кундузги соатларда) ва октябрь ойининг охирида йиғиб олинди.


Узум баргларидаги витаминлар миқдорини аниқлашда ток баргининг қора мускат ва қизил хурмони навлари ишлатилган. Натижалар шуни кўрсатадики, ток баргларида етарли миқдордаги аскорбин кислотаси мавжуд. Уларда фолий V_9 ва никотин РР кислоталари аниқланмаган.

Ток баргларида тескари фазали юқори самарали суюқ самарали хроматография (ВЭЖХ) усули билан аниқланган V_1 , V_2 , V_6 , V_{12} , ва C витаминлари мавжуд.


1-расмда стандарт витамин эритмасининг хроматограммаси кўрсатилган. Идентификация ушлаб туриш вақтлари билан амалга оширилди, улар олдиндан ҳар бир витаминни хроматографик таҳлил қилиш билан аниқланган.

Шунинг учун қора мускат нави учун V_1 , V_2 , V_6 , V_{12} , ва C витаминларининг хроматограммалари ва узум баргининг қизил хурмони нави учун барча тўртта

КИСЛОТАНИНГ ХРОМОГРАММАЛАРИ МАВЖУД.



1-расм. Қора мускат намунаси учун витаминларнинг хроматограммаси: **В₁** витамини.



2-расм. Қизил хурмони намунаси учун витаминларнинг хроматограммаси: **В₁** витамини.

8- жадвал


Витаминларни таҳлил қилиш натижалари: тиамин (В₁), рибофлавин (В₂), пиридоксин (В₆) цианкобаламин В₁₂, ва аскорбин кислотаси(С)

№	Намунанинг номланиши	Аниқланган концентрация, мг/г						
		В ₁	В ₂	В ₆	В ₉	В ₁₂	С	РР
1	Қора мускат	5,83	29,54	1,78	0	3,5	49,42	0
2	Қизил хурмони	3,62	24,33	1,02	0	2,26	42,37	0

Ток баргларида тескари фазали юқори самарали суюқ самарали хроматография (ВЭЖХ) усули билан аниқланган вино, лимонли, қаҳрабо, оксалат кислоталари мавжуд.

1-расмда стандарт органик кислота эритмасининг хроматограммаси кўрсатилган. Идентификация ушлаб туриш вақтлари билан амалга оширилди, улар олдиндан ҳар бир кислотани хроматографик таҳлил қилиш билан аниқланган.

Шунингдек, қора мускат нави учун лимонли, қаҳраболи, оксалат кислоталарининг хроматограммалари ва ток баргининг қизил хурмони нави учун барча тўртта кислотанинг хроматограммалари мавжуд.



3-расм. Қора мускат намунаси учун органик кислоталарнинг хроматограммаси: вино кислотаси.

9- жадвал

Ток барги таркибидаги органик кислоталар миқдори

№	Намунанинг номланиши	Аниқланган концентрация, мг/%			
		Вино кислотаси	Лимон кислотаси	Қаҳрабо кислотаси	Оксалат кислотаси
1	Қора мускат	2,24	1,9	0,52	0,52
2	Қизил хурмони	3,45	2,3	5,56	0,5

Жадвал маълумотларини таҳлили шуни кўрсатдики, узум баргларида, шунингдек меваларда узум кислотаси устунлик қилади, узум баргининг қора мускат навида органик кислоталарнинг умумий миқдори 5,18 мг/%, қизил хурмони навининг баргларида эса 11,81 мг/% -ни ташкил этади.

Таблица 10

Ток баргининг қора мускат ва қизил хурмони навларидаги алоҳида полифенолларнинг 2019 йил июнь ва октябрь ойларидаги таркиби (мг/г қуруқ модда).

№	Намунанинг номланиши	Аниқланган концентрация, мг/%		
		Рутин	Қверцетин	Хлорогинная кислота
1	Мускат чёрный	1,12	9,8	5,98
2	Қизил хурмони	1,14	4,13	6,1

Полифенолларнинг умумий миқдори флавоноидлар ва фенол кислоталарнинг энг юқори даражасида аниқланган моддаларнинг миқдори бўйича аниқланади. Таҳлил ҳар бир нав ва танлов даври учун уч нусхада амалга оширилди. Натижалар Студент тести ёрдамида умумий қабул қилинган

математик усуллар билан статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг “Ток барглари консервалаш. Улардан ярим тайёр махсулотлар учун ретцептлар, голубцилар учун булонларни ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида қуйидагилар ўрганиб чиқилди.

11-жадвал

Ўзбекистон ва Россиянинг (Краснодар ўлкаси) иқлим шароитида етиштирилган ток баргларида аниқланган кимёвий таркиби ва энергетик қиммати

Барглар манбаи	Кимёвий таркиби, мг/%			Энергетик қиммати кКал
	Оксиллар, мг/%	Углеводлар мг/%	Ёғлар, мг/%	
Россия	5,6	6,31	2,12	93
Ўзбекистон	6,0	7,0	2,15	122

Узум барглари сақлаш, тузлаш, музлатиш, тузлаш, қуритиш шартлари ва усуллари ўрганилиб, синовдан ўтказилди.

12-жадвал

Ўзбекистон ва Россиянинг (Краснодар ўлкаси) иқлим шароитида етиштирилган ток баргларида аниқланган макро ва микроэлементлар таркиби

Барглар манбаи	Макроэлементлар %					Микроэлементлар %				
	К мг/%	Са мг/%	Mg мг/%	Na мг/%	Р мг/%	Fe, мг/%	Mn мг/%	Cu мг/%	Se мг/%	Zn мг/%
Россия	0,249	3,31	0,422	0,020	0,055	0,0468	0,014	0,0059	0,9	0,0020
Ўзбекистон	0,65	3,56	0,340	0,23	0,42	0,0240	0,210	0,014	0,0510	0,053

Шундай қилиб, узум барглари тўлиқ таҳлил қилиш уларнинг ноёб таркибини кўрсатди, уларда 150 дан ортиқ биологик фаол моддалар ҳосил бўлади. Айниқса микро- ва макроэлементлар ва витаминлар таркиби, оксалат, фолий каби ноёб органик кислоталарнинг мавжудлиги, уларнинг манбалари табиатан камлиги, одатдаги лимон, олма кислоталарининг мавжудлиги.

13-жадвал

Ўзбекистон ва Россиянинг (Краснодар ўлкаси) иқлим шароитида етиштирилган ток барглари таркибида аниқланган витаминлар миқдори.

Барглар манбаи	Витаминлар мг/%				
	В ₁	В ₂	В ₆	В ₁₂	С
Россия	2,7	19,7	0,4	0,0	12,3
Ўзбекистон	5,83	29,54	1,78	3,5	49,42

14-жадвал

Ўзбекистон ва Россиянинг (Краснодар ўлкаси) иқлим шароитида етиштирилган ток барглари таркибида аниқланган органик кислоталар миқдори.

Барглар манбаи	Органик кислоталар мг/%			
	Винно кислотаси	Лимон кислотаси	Қахрабо кислотаси	Оксалат кислотаси
Россия	2,35	1,32	1,3	0,93
Ўзбекистон	3,45	2,3	5,56	0,5

Витамин таркиби В₁, В₂, В₆, В₁₂, С, ни ўз ичига олади. Ток барглари ва

новдаларида 2% гача қанд, танинлар - флабофен леситин; ванилинлар мавжуд. Бундан ташқари, уларда пикгенолларни - антиоксидант, юрак-қон-томир, атеросклерозга қарши, капиллярларни кучайтириш қобилиятига эга моддалар мавжудлиги аниқланган.

15 жадвал

Ўзбекистон ва Россиянинг (Краснодар ўлкаси) иқлим шароитида етиштирилган ток барглари таркибида аниқланган полифеноллар миқдори.

Барглар манбаи	Полифеноллар, мг/%		
	Рутин	Кверцетин	Хлорогин кислотаси
Россия	7,8	6,72	4,11
Ўзбекистон	1,12	9,8	5,9

Суяк ва гўшт-суяк бульонларини гуручга сингиб кетадиган дўлма билан қадокланган банкаларни тўлдириш учун тайёрлаш технологиялари ва ретцептлари келтирилган. Суяк ва гўштан, ёғлардан ва сувда эрувчан оксиллардан олинадиган микро- ва макроэлементлари билан дўлмани бойитиш даражаси аниқланди. Тавсия этилган ретцептлар 18-19 жадвалларда келтирилган.

16-жадвал

Суякли бульон тайёрлаш рецепти

№	Хом ашё	Хом ашё ва ингредиентлар сарфи, г	
		Брутто	Нетто
1.	Мол суяклари	400	400
2.	Сабзи	13	10
3.	Петрушка (илдиз)	11	8
4.	Пиёз	12	10
5.	Зира	0,8	0,8
6.	Хушбўй қалампир	0,4	0,4
7.	Сув	1220	1220
	Чиқиши:	-	1000

«Пиёз билан қовурилган ток барглари» консервалари учун технология ва рецепти. Рецепти янги, ярим тайёр маҳсулот шаклида тақдим этилган зиравор, унинг таркиби 17- жадвалда келтирилган.

17-жадвал

Гўшт-суякли бульон тайёрлаш рецепти

№	Хом ашё	Хом ашё ва ингредиентлар сарфи, г	
		Брутто	Брутто
1.	Суяклар	250	250
2.	Мол гўшти	215	160/100
3.	Пиёз	10	8
4.	Петрушка (илдиз)	7	5
5.	Сабзи	10	8
6.	Зира	0,8	0,8
7.	Хушбўй қалампир	0,4	0,4
8.	Сув	1250	1250
	Чиқиши	-	1000

«Пиёз билан қовурилган ток барглари» рецепти

№	Хом ашё	Хом ашё ва ингредиентлар сарфи, г	
		Брутто	Нетто
1.	Ток барглари	2000	1800
2.	Пиёз	400	350
3.	Ўсимлик мойи (кунгабокар)	500	500
4.	Оқ илдизлар	100	95
5.	Яшил укроп	25	20
6.	Янги саримсоқ	0,4	0,3
7.	Ош тузи	25	25
	Чиқиши:	-	1500

Дессертациянинг «Узум барглари консервалаш. Улардан ярим тайёр маҳсулотлар, карам дўлмалари учун бульонларни тайёрлаш бўйича рецептлар ишлаб чиқиш» деб номланган 4-бобида тадқиқот натижаларини саноат асосида амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

2-расмда «Ток барги дўлмаси» ва «Пиёзли, қовурилган ток барглари» консерва маҳсулотларини тайёрлаш учун барглари тайёрлаш, қиймани, бульонни тайёрлаш, дўлмани шакллантириш, банкаларга қадоқлаш ва стерилизациялаш босқичларини ўз ичига олган технологик линияси тасвирланган.

Карам дўлмаси учун мавжуд бўлган стерилизация формуласи ток барги дўлмаси учун мақбул, чунки стерилизациялаш жараёнининг максимал ҳарорати тўлдирувчилар таркиби - гўшт, ёғ, гуруч миқдorigа боғлиқ.

Масалан

30-40-38

120

30 мин давомида аппарат қиздириб, температура 120⁰С-га етказилади, 40 мин маҳсулот ушбу температурада ушлаб турилади ва 38 мин давомида совутилади.

«Дўлма первенец» ишлаб чиқаришнинг технологик харитаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

19-жалвал

1.Рецептура

Ингредиентлар номи	1 порция учун хом ашё нормаси, г	
	Брутто	Нетто
Мол гўшти қиймаси	100	100
Гуруч	22	22
Пиёз	67	48
Туз	1	1
Янчилган мурч	1	1
Кўкатлар	3	3
Зирк	1	1
Ярим тайё маҳсулот массаси		171
Чиқиши		203

Бульонларни калькуляцияси, «Долма первенец» маҳсулотларини (18-жадвал) ва «Пиёзли, қовурилган ток барглари» консерваларини ҳисоблаш амалга оширилди.

2. Технологик жараён

1. Узумнинг барглари ювилади, бир-биридан ажратилади.
2. Пиёз тозаланади, кўкатлар ювилади, гуруч ювилади.
3. Қийма гўштга пиёз, гуруч, ўтлар, зирк, туз, мурч қўшилади

20-жадвал

100 кг «Долмы первенец» консерваси таннархининг калькуляцияси


№	Хом ашёнинг номланиши	Компонентларнинг массавий улуши, %		Нархи, сум	Сумма, сум
		Брутто	Нетто		
1	Мол гўшти фарши	43,4	43,4	65000	2821000
2	Гуруч	45,0	45,0	14000	630000
3	Пиёз	9,9	8,0	1500	12000
4	Туз	1,7	1,7	1500	2550
5	Хушбўй мурч	0,04	0,04	6000	240
7	Барбарис	0,062	0,062	8000	320
8	Ток барги	2	1,8	5000	10000
	Жами:		100,0		3476110

4. Яхшилаб аралаштирамиз.

5. Қийма ток баргларига майда қисмларга солинади.

6. Овқат пишириш маълум формула бўйича автоклавда амалга оширилади.

3. Маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш, сақлаш ва сотиш. Уларга қўйиладиган талаблар.



4-расм. Ток баргларидан фойдаланиб консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик схемаси.

1.Ток баргларини ювиш учун ванна. 2. Ювиш машинаси. 3. Ток баргларини инспекциялаш ва қийма солишга узатиш учун транспортёр. 4.Иш ўринлари. 5. Банкарларга тўлдирилган голубциларни ҳаракатланиш транспортери орқали қўйиш столига узатиш. 6.Бульон учун идиш. 7. Бульонни қўйиш учун кран. 8. Банкарларга бульонни қўйиш учун эгиловчан

мослама. 9. Қадоклаш машинаси. 10. Автоклав сеткаси. 11. Автоклавга сеткани жойлаштириш учун тельфер. 12. Тельфер илгичи. 13. Автоклав. 14. Жойлаштиргич учун иш жойи. 15. Гўшт қиймаси солинган идиш. 16. Банкалар. 17. Банкаларни йиғиш ва бульон қуйиш столи. 18. Ток барглари. 19. Суякларни қайнатиш қурилмаси. 20. Бульонни қайнатиш котёли. 21. Бульон учун фильтр.

ХУЛОСА

1. Токнинг қуритилган баргларидаги оқсил таркибини таҳлил қилиб, қора мускат навида 6,0, қизил хурмони навида 5,75 мг/% миқдорда эканлиги аниқланди.

2. Мускат навли ток баргидаги нейтрал липидларнинг тўйинган ёғ кислоталари миқдори 54,58, қизил хурмони навида 56,63, қора мускат навидаги гликолипид миқдори 56,64, қизил хурмони навида 60,97, қора мускат навидаги фосфолипидларнинг миқдори 71,12, қизил хурмони навида 76,97 мг/%; қора мускат навининг нейтрал липидларидаги тўйинмаган ёғ кислоталари йиғиндиси 45,42, қизил хурмони навида 43,37, қора мускат навидаги гликолипидларнинг миқдори 43,36, қизил хурмони навида - 39,03, фосфолипид қора мускат навида 28,88, қизил хурмони навида 23,0 мг/% эканлиги аниқланди.

3. Ток баргларидаги минерал таркиби масс-спектрометрик (ICP-MS) таҳлил натижалари бўйича эритмалардаги элементларнинг концентрацияси ҳисоблаб чиқилди. Қуритилган ток барглари таркиби Na, Mg, P, Ca, K макроэлементларига ва Fe, Cu, Zn, Mn, Se микроэлементларига бойлиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги оғир металллар ва токсик элементлар миқдори, масалан кадмий (Cd) 1,0 мг/%, қўрғошин (Pb) 5,0 мг/%, мишьяк (As) 3,0 мг/% бўлиб, ПДК-дан ошмаган, инсон организми учун зарарсиз эканлиги аниқланди.

4. Сувда эрийдиган витаминлар: тиамин (В₁), рибофлавин (В₂), пиридоксин (В₆), цианокобаламин (В₁₂) ва аскорбин кислотаси (С) юқори самарали суяк хроматография усулида аниқланди.

5. Ток барги таркибидаги органик кислоталарнинг таркиби, вино, лимон, оксалат, қаҳрабо кислоталарини аниқлаш бўйича тажрибалар натижалари токнинг қора мускат ва қизил хурмони навлари бўйича белгиланди. Натижаларга кўра ток баргининг қора мускат навида органик кислоталарнинг умумий миқдори 5,18 мг/%, қизил хурмони навининг баргларида эса 11,81 мг/% гача бўлиши аниқланди.

6. Узумни қора мускат ва қизил хурмони навлари баргларидаги полифенолларнинг таркиби рутин, кверсетин, хлорогин кислотаси мисолида аниқланди, уларнинг танланган навларида уларнинг миқдори 5,98-9,8 мг/% гача бўлиши аниқланди.

7. Узумни қора мускат ва қизил хурмони навларининг барглари учун хавфсизлик мезонларининг рухсат этилган максимал концентрация (ПДК)-дан паст эканлиги аниқланди.

8. Ток барглиридан консервалар тайёрлаш технологик линиясининг принципиал схемаси таклиф этилди.

9. Ишланманинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган, унга кўра, қуввати йилига 150 т дўлмани ташкил этувчи цех учун 784954,2 минг сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АТАКУЛОВА ДИЛФУЗА ТУРСУНОВНА

**ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА
КОНСЕРВИРОВАННЫХ ВТОРЫХ БЛЮД С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
НЕТРАДИЦИОННОГО СЫРЬЯ - ЛИСТЬЕВ ВИНОГРАДА**

**02.00.17 - Технология и биотехнология обработки, хранения
и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2018.4.PhD/T880.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).


Научный руководитель:	Додиев Кучкор Одилович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Исабаев Исмонил Бабаджанович доктор технических наук, профессор Ализов Ақтам Шарипович доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Ферганский политехнический институт


Защита диссертации состоится «16» 12 2021 г. в «9⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).


Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 120 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «24» 11 2021 года.
(протокол рассылки № 128 от 24.11 2021 года).




С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор


Х.И. Кадиоров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор


Х.С. Нурмухамедов
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире сельское хозяйство является основным источником обеспечения населения свежими и переработанными растительными продуктами, с необходимостью сбора, хранения, глубокой переработки сырья, совершенствования технологий, продвижения местных продуктов питания на мировые рынки, повышения их конкурентоспособности. При этом важно расширять производство продукции с высоким качеством, высокой калорийностью и богатым содержанием, в том числе, предоставлять консервы в большом объеме с улучшенными органолептическими характеристиками, отвечающими по качеству требованиям международных стандартов.

В пищевой промышленности мира проводятся научные исследования по переработке сырья, богатого углеводами, белками, минералами, витаминами, органическими кислотами, полифенолами, а также по производству высококачественных консервов и развитию других смежных отраслей.

На основе принятых в этом направлении мер особое внимание уделяется эффективному использованию натурального сырья и продукции производственного сектора, увеличению производства новых видов продукции, снижению себестоимости готовой продукции, а также обеспечению населения качественными и безопасными продуктами питания, повышению пищевой, биологической и энергетической ценности в отраслях промышленных предприятий.

Достигнуты значительные результаты в улучшении технико-экономических показателей пищевой промышленности страны за счет производства и хранения фруктов и овощей, растительного сырья, безопасного для здоровья, импортозамещающих новых видов пищевых продуктов в необходимом количестве и ассортименте. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет, что необходимо «поднять промышленность на качественно новый уровень, глубокую переработку местного сырья, ускорение производства готовой продукции, освоение новых видов продукции и технологий». В связи с этим необходимо, оценивая количество и эффективность сырья, обновлять существующие рецепты и технологии, применять их в производстве, снижать стоимость готовой продукции, получать продукцию высокого качества, при сохранении природных свойств продуктов, снижении себестоимости готового продукта, а также важно развивать эффективное использование вторичного сырья и расширять пищевые предприятия в обмен на использование нетрадиционного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан №ПФ- 4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПФ-5303 от 16 января 2018 г «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны», № ПП - 4406 от 29 июля 2019 года «Глубокая переработка продукции сельского хозяйства, в том числе хранение и переработка плодов и овощей, доведение их потребительских норм до требуемого, наладка производства различных полуфабрикатов, дополнительные меры по дальнейшему развитию

пищевого производства», №ПП - 4821 от 9 сентября 2020 года «О мерах по ускорению развития пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественными продуктами питания», а также задачи, намеченные выполнить в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По расширению ассортимента консервированных вторых блюд, использованию в функциональных целях витаминного, углеводного, минерального состава и органических кислот вели исследования J.Shulze, E.Anter, A.C. Amadi Joy, М.И.Беляев, В.С.Баранов, Г.М.Постнова, А.И.Черевко, Р.П.Уистлер, Н.Р. Успенская, Л.В.Бабиченко, Э.Ф.Пашел, Г.С.Климов, Д.И. Лобанов, Н.И. Ковалев С.Ю. Глебова, Ж.М.Курбанов, Б.Д.Махмадаминов, А.Ж. Тошев, Ш.Н. Атаханов, Н.Ш.Кулиев, Қ.О.Додаев и др.

Ими усовершенствована технология производства закусок и консервов из фруктов и овощей, растительного сырья, определены физико-химические свойства, в том числе необходимое количество сырья, изучены их пищевая ценность и качество.

